


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2017 №4

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
АХВОРОТНОМАСИ



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бош муҳаррир

проф. Л.Н. Туйчиев

Маъсул котиб

б.ф.д. Иноятова Ф.Ҳ.

Таҳрир аъзолари

акад. Аляви А.Л., проф. Бахритдинова Ф.А.,

проф. Гадаев А.Г., акад. Даминов Т.А., акад. Каримов Ш.И.,

проф. Комилов Х.П., проф. Мавлянов И.Р., проф. Нажмутдинова Д.К.,

проф. Тешаев О.Р., проф. Шайхова Г.И.

Таҳрир кенгаши

проф. Агзамходжаев Т.С. (Тошкент)

проф. Азимов М.И. (Тошкент)

проф. Азизов Н.К. (Тошкент)

проф. Акилов Ф.О. (Тошкент)

проф. Асамов Р.Э. (Тошкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухоро)

проф. Аюпова Ф.М. (Тошкент)

проф. Бобожонов Б.Д. (Тошкент)

проф. Гиясов З.А. (Тошкент)

проф. Закирходжаев Ш.Я. (Тошкент)

проф. Ирсалиев Х.И. (Тошкент)

проф. Камиллов А.И. (Тошкент)

проф. Каримов М.Ш. (Тошкент)

проф. Каюмов У.К. (Тошкент)

акад. Курбанов Р.Д. (Тошкент)

проф. Мавлянходжаев Р.Ш. (Тошкент)

проф. Мамасолиев Н.С. (Тошкент)

проф. Наврузов С.Н. (Тошкент)

акад. Назыров Ф.Г. (Тошкент)

проф. Охунов А.О. (Тошкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Тошкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Тошкент)

проф. Рустамова М.Т. (Тошкент)

акад. Саатов Т.С. (Тошкент)

проф. Сабирова Р. А. (Тошкент)

проф. Халиков П.Х. (Тошкент)

проф. Ходжибеков М.Х. (Тошкент)

проф. Шомирзаев Н.Х. (Тошкент)

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ФАОЛИЯТИ

Тўйчиев Л.Н., Ташкенбаева У.А.

ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СЕТЕВОГО ЦЕНТРА ПО ПЕРЕПОДГОТОВКЕ И ПОВЫШЕНИЮ КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДОГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ ПРИ ТМА

Тўйчиев Л.Н., Ташкенбаева У.А.

HISTORY AND MODERN ACTIVITY OF THE NETWORK CENTER FOR RETRAINING AND ADVANCED TRAINING OF PEDAGOGICAL STAFF AT TMA

Tuychiyev L.N., Tashkenbayeva U.A.

Тошкент тиббиёт академияси

Речь идёт об организации деятельности сетевого центра и процесса обучения, важности модуля «Технологии инновационного образования и педагогической компетентности» на сегодняшний день, а так же о научно-педагогических основах выбора и применения интерактивного обучения.

This article is about the organization of the network center and the learning process, the importance of the module “Technologies of innovative education and pedagogical competence” to date, as well as the scientific pedagogical basis for the selection and application of interactive learning

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги 278-сонли қарорига асосан аввалги малака ошириш маркази негизда Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ташкил қилинди. Шу вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси олий тиббий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш тармоқ маркази фаолиятида таълим сифатини яхшилаш, ҳамда такомиллаштириш борасида қатор вазифаларни амалга оширишнинг янги бир даври бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4732 сонли қарори ҳамда Вазирлар Маъкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”- ги 242-сонли қарорига мувофиқ тармоқ марказида таълим жараёни яъни методик база асосида ташкил этилди. Ҳозирги кунга келиб Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Ўзбекистон Республикасидаги барча тиббиёт олий ўқув юртлари, Тошкент шаҳри ва вилояти тиббий коллежлари педагоглари малакаларини оширишда. Умумий ҳажми 288 соатга мўлжалланган олий таълим ўқитувчилари малакасини ошириш дастури педагогларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини ошириш, педагогик билим ва малакаларини чуқурлаштириш, мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Бугунги кунда марказда “Даволаш иши” (Терапия, Хирургия), “Педиатрия”, “Стоматология”, “Фармация”, “Санот фармация”, “Тиббий профилактика”, “Тиббий биология”, “Ҳарбий тиббиёт”, “Олий ҳамширалик иши” йўналишлари бўйича педагогларнинг малакасини ошириш йўлга қўйил-

ган. Ушбу йўналишлар бўйича янги модуллар ишлаб чиқилган ва ҳар бир модул учун янги ўқув-услубий мажмуаларга хорижий мутахассислар томонидан тақризлар олинган.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тармоқ марказида охириги 3 йилда, яъни 2015 ўқув йилида 228 та, 2016 йилда 765 та ва 2017 йилда 380 та тингловчи ўз малакасини ошириб, малака аттестатига эга бўлди. Шунингдек, тармоқ марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2017 йил 27 февралдаги 103-сонли қарорига мувофиқ масофавий ўқитиш тизими йўлга қўйилди. 2017 йилда 15 та тингловчи масофавий ўқитиш шаклидан фойдаланган ҳолда малака оширишга муваффақ бўлди.

Ўқув дастурларида олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, педагогик компетентлик, илғор хорижий тажрибалар, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари, олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари, далилларга асосланган тиббиёт, махсус фанлар асосида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, хорижий тажрибалар, педагогнинг касбий компетентлиги, креативлиги, интернет тармоғи ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш шу билан бирга бор билимларини такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, таълим тизимини модернизация қилиш интерфаол педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали эришилади. Тармоқ марказида чиқиш тестлари он-лайн шаклида ўтказилади. Моддий-техник база кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда. Тингловчиларнинг глобал интернет тармоғидан фойдаланиши таъминланган, компьютерлар интернет тармоғига уланган. Тармоқ марказида ўқув жараёнини тажрибали ва юқори малакали профессор-ўқитувчилар олиб боришади.

Улар таркибида ЎзФА. академиклари, тиббиёт фанлари докторлари ва фан номзодлари фаолият кўрсатишмоқда.

Бугунги кунда тармоқ марказида тиббиёт олий ўқув юртлири педагогларига таълим бериш самарадорлигини ошириш, тингловчиларни касбий-инновацион фаолиятга йўналтириш, ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш каби муҳим масалалар амалга оширилмоқда. Таълим сифатини таъминлаш ва малакали мутахассисларни тайёрлашда юқоридаги масалаларнинг аҳамияти катта. Чунки бугунги кунда олий таълим тизимини модернизациялаш таълим жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни, педагогларнинг касбий компетентлигини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва педагогик амалиётга татбиқ қилишни тақозо этади. Бундай ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллаб олган, катта тажриба ва юксак педагогик компетентликка эга бўлган педагогларгина эришадилар. Шундай экан, тармоқ марказида бу масалаларга “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” ўқув модулида катта эътибор қаратилган. Чунки бу масалалар малака ошириш тизимининг долзарб мавзуларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модулининг мақсади ҳам олий тиббий таълимдаги педагог кадрларни инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг шакл, метод ва воситалари, педагогик компетентлик сифатлари, шу билан бирга олий таълим жараёнини ташкил этишга, креатив ёндашишга оид билимларни, таълимга инновацион ёндашувни, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ этиш, креативлик қобилиятини такомиллаштириш, билимларни чуқурлаштириш ҳақида фикр юритишни кўзда тутати. Назарий машғулотларда тингловчиларга “компетентлик” тушунчаси моҳияти, касбий компетентлик сифатлари, педагогнинг ўз устида ишлаш модели, ўқув жараёнини самарали бошқариш каби мавзулар бўйича назарий маълумотлар бериб, олинган билимларни амалий машқлар орқали ўзлаштирилиши таъминланади. Педагогик билимларни беришда педагогик инновацияларни қўллашга оид билимларни бойитиш,

улардан ўз ўрнида фойдаланиш малакасини шакллантириш бугунги кун талабадир. Шу жиҳатдан ҳам тингловчиларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва натижага эришиш мақсадида инновацион характерга эга таълим шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Амалий машғулотларда амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, маҳорат дарслари, таълимнинг инновацион шаклларида самарали фойдаланиш эътироф этилмоқда. Интерфаол дарслар тингловчиларни инновацион фаолиятга йўналтириш ва бу борадаги билим, малака ва кўникмаларни такомиллаштиришга олиб келади. Машғулотларда тренинглар ўтказишда “Кейс стади”, “ФСМУ”, “Ассесмент”, “Swot”, “Венн диаграммаси” каби методлар тингловчиларда назарий ва амалий билимлар, тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммоларни ҳал этиш йўлларини топишга, билимларини мустаҳкамлаш, танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиради. Шу жиҳатдан, машғулотлар, семинар, тренингларда бу усулларни қўллаш орқали тингловчиларнинг касбий тажрибаси, педагогик билимларнинг ошиши, касбий компетентлиги ва таълим жараёнида янгиликларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш фаолиятини такомиллаштиришга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўзлаштирилган билим ва кўникмалар, тажриба алмашиш, илмий ишлар таҳлили натижаси шуни кўрсатадики, ишчи дастурларни мунтазам такомиллаштириб бориш, маъруза матнлари мазмуни сифатига эътибор бериш таълим жаранини интерфаол усуллар асосида ташкил этишга эътиборни кучайтириш лозим. Бу эса малака ошириш тизими таълим жараёни сифатини яхшилаш, педагог кадрлар салоҳиятини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ФАОЛИЯТИ

Тўйчиев Л.Н., Ташкенбаева У.А.

Тармоқ маркази фаолияти ва таълим жараёни ташкил қилиш, шунингдек “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модулининг бугунги кундаги аҳамияти ҳамда интерфаол ўқитиш методларини танлаш ва қўллашнинг илмий- педагогик асослари ҳақида сўз юритилган.



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Махмудова М.М.

РАЗВИТИЕ ВЫСШЕГО МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Махмудова М.М.

DEVELOPMENT OF HIGHER MEDICAL EDUCATION IN UZBEKISTAN

Makhmudova M.M.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Высокообразованные медицинские кадры играют основную роль в развитии здравоохранения в Узбекистане. Их подготовка осуществляется в Ташкентской медицинской академии и еще в 6 вузах страны. В годы независимости стали выпускать ВОП, магистров, медсестер с высшим образованием. Многие молодые врачи прошли стажировку за рубежом. Кадры средней медицинской квалификации готовят профессиональные колледжи.

Ключевые слова: академия, институт, колледж, бакалавр, магистр, кандидат наук, доктор наук, врач общей практики, клинический ординатор, медсестры с высшим образованием и т. д.

Highly educated medical personnel play the main role in the development of health care in Uzbekistan. Their preparation is carried out in the Tashkent Medical Academy and in six higher educational institutions of the country. In the years of independence, they began to train GPs, masters, nurses with higher education. Many young doctors passed internship abroad. Staff of secondary medical qualification prepares professional colleges.

Key words: academy, institute, college, bachelor, master, candidate of science, doctor of sciences, general practitioner, clinical resident, nurses with higher education, etc.

Мустақиллик арафасида Республикада врачлар сони кераклигидан ортиқча деган нотўғри фикр бор эди. Натижада олий ўқув юртлирига қабул қисқартирилди, демак бир неча йилдан кейин битирувчилар сони ҳам кам бўлиши табиий эди. БССТ маълумотларига қараганда 1991 йилда дунёда ҳар 10 минг кишига 15,8 врач тўғри келса, 1996 йилда — 22,9, 2001 йилда — 7,6 га пасайиб, ниҳоят 007 йилда 12,8 га кўтарилган. Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги ўртача кўрсаткичи Марказий Осиё ва МДХ давлатлари даражасига яқин — 12,0 ва Европа иттифоқи мамлакатлари — 10,4 дан биров устун бўлган [13].

Илгари олий ўқув юртлирига қабул қилишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар кесимида ўрин (квота) белгила нарди. 1993 йилда тест имтиҳонлари жорий қилиниши ва пуллик таълимнинг киритилиши билан мазкур тартиб ўзгарди. Энди таълимни шартнома асосида ўтаган ёш мутахассислар учун шаҳарда қолиб ишлаш имкониятлари эшиги очилди. Натижада кадрлар билан таъминлашда географик номутаносиблик ҳолати юзага келди. 2010 йилда ҳар 10 минг аҳолига Республика шаҳарларида ишлаётган врачлар ўртача 36,5 ташкил этган бир вақтда, қишлоқ врачлари — 19,5%, яъни 2 марта кам эди [14]. Мутахассисларнинг кичик шаҳарлар ва қишлоқлар ҳамда марказдан узоқ жойларда ишлашни хохламасликлари бунга асосий сабаб эди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармонида биноан республиканинг турли ҳудудларида 16 та университет ва пойтахт олий ўқув юртлирининг бўлимлари очилди. Янги ўқув юртлири қаторида 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг (ТошДавТИ) Урганчда, 2-ТошДавТИнинг Фарғонада ва ТошПТИнинг Нукусда бўлимлари очилди. 1995 йилда бўлимлар жойлардаги университетлар таркибига “Тиббиёт маркази” номи билан қўшилди. 1997 йилда “Таълим тўғрисида” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилингандан кейин, 1998 йилдан тиббиёт марказлари мустақил филиал сифатида фаолият кўрсата бошлади.

1998 йилдан тиббиёт таълим тизимида бакалавр ва магистрлар тайёрлаш бошланди. Умумий амалиёт шифокори дипломини олган бакалаврлар ҚВП ва оилавий поликлиникаларда ишлашлари, 46 та йўналишда таълим олган магистрлар

эса хирург, кардиолог, офтальмолог, невролог, инфекционист ва бошқа тор мутахассислар лавозимларида ихтисослашган клиникалар, олий ўқув юртлири ва илмий-текшириш институтларида фаолият кўрсатишлари керак эди.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 19 июлдаги “Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида”-ги 3629-сонли Фармони билан янги ўқув юрти очилди. Унга биринчи ва иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтларининг бинолари, талабалари ўқитувчилари билан бир қаторда филиаллари ҳам ўтказилди. Академия жамоаси зиммасига аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини кўтарадиган ва соғлиқни сақлаш тизими таркибини такомиллаштирадиган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси юкланди.

2012 йилга келиб, академияда 4662 талаба таҳсил оларди. Магистратурада 735 ва клиник ординатурада 205 нафар мутахассислар ўқирди. УАШ тайёрлаш 58 та кафедраларда амалга оширилди. Академия ходимлари орасида 2 нафар академик, 97 — профессор, 183 — доцент, 357 — ассистент ўқитувчилар бор эди. Фан докторлари — 176 ва номзодлар сони — 396 тани ташкил қиларди. Ўқув юрти илмий салоҳияти 70,2% га тенг бўлиб, белгиланган вазифаларни бажаришга қодир эди [14].

Ўқув юртида кенг ҳажмда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб бориларди. 2005-2012 йилларда 64 фан докторлари ва 388 номзодлари тайёрланди. Академия қошида “Экология ва инсон саломатлиги мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва мониторинги” кенгаши очилди. Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида 18 та амалий, 3 та фундаментал, 2 тадан инновацион ва ёшлар лойиҳалари бўйича 25 та мавзуларда илмий изланишлар олиб борилиб, уларда 160 дан ортиқ ходимлар қатнашардилар. Шу билан бир қаторда академия қошида илмий даража берадиган 7 та ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатарди [14].

Давлат бюджетидан ажратилган 70 миллиард сўм маблағ эвазига академиянинг бош биноси ва 1750 ўринли ётоқхоналар қайта таъмирланди, “Шифокор” спорт мажмуаси ва академик лицей биноси барпо этилди. Ўқув юрти қошида талабалар учун 2 та қишлоқ врачлик пунктлари

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

(ҚВП) ва туман давлат санитария-эпидемиология назорати станциялари модуллари, олий малакали ҳамширалар тайёрлаш ва клиник фанлардан имтиҳонларни объектив тизимлаш (ОСКЭ) марказлари, педиатрия ва ўқув амалиётини ўзлаштириш лабораториялари ишлаб туради.

Академиянинг Фарғона филиали нисбатан кичик бўлиб, санитария-гигиена йўналишида мутахассис тайёрларди. 2012 йилда бу ерда 279 талабага 48 ўқитувчилар сабоқ беришган. Ўқитувчилар орасида 7 фан докторлари ва 17 фан номзодлари ишларди [3].

Чорак аср давомида Урганч филиали 3 мингга яқин ёш шифокорларга диплом берди. 2015 йилда филиалга “Жайхун” мажмуаси ўқув биноси сифатида ажратилди ва у давлат бюджетидан 52 миллиард сўм эвазига қайта таъмирланди. Шу даврда филиалдаги даволаш, педиатрия, тиббий-педагогика, олий малакали ҳамшира тайёрлаш факультетларида 1017 тахсил оларди. Жамоада ишлаётган 145 ўқитувчилар орасида 17 фан доктори ва 52 фан номзодлари бор эди [5].

Ўқув услубий ёрдам бериш учун филиалга Урганч ва Хива шаҳридаги тиббиёт коллежлари ҳамда Ҳазорасп академик лицейи бириктирилди. Филиал жамоаси вилоятдаги 19 ҚВПларга амалий ёрдам кўрсатарди. Шу билан бир қаторда тиббиёт муассасаларида жойлашган 13 та клиник кафедралар ходимлари беморларга ташхис қўйиш, даволаш ва зарур маслаҳатларни беришда фаол қатнашарди. 6-7 курс талабаларининг 85% амалиётни Урганч шаҳар ва туман, Янгибозор ва Янгиариқ туманлари тиббиёт муассасаларида ўтардилар [5].

Жамиятда илм-фанни марказий ва йирик шаҳарларда ривожлантириш мумкин деган, фикр мавжуд эди. Ушбу қарашларнинг асоссиз эканини филиал олимлари исботладилар. Ўзларининг тинимсиз изланишлари ва фидокорона меҳнатлари билан Б.А. Дўсчанов, Т.К. Худойқулов, М.Р. Мусаев, И.А. Қиличев, Р.Б. Абдуллаев, Г.О. Матназарова, Б.Н. Қурёзов, С.Р. Исмоилов, И.Қ. Абдуллаев, Қ.Ш. Шукруллаев, Ш.Б. Дўсчанов каби фан номзодлари филиалда ишлаб туриб, докторлик диссертацияларини ёқладилар.

2017 йил 27 январда Хоразм вилоятига қилган сафари вақтида Президент Ш.М. Мирзиёев филиал жамоаси ишлари билан танишди. “Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида 1100 яқин талабалар тахсил олади. Мавжуд 16 кафедраларда 161 профессор-ўқитувчилар ишлайди. Филиал базасида И. Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург тиббиёт университети билан ҳамкорликда клиника очилади. Клиникада эндокринология, отоларингология, гематология, аллергология, терапия бўлимлари ташкил этилади. Университет мутахассислари бу ерда талабаларни ўқитиш билан бир қаторда беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш ишларини олиб борадилар. Ушбу тизим бўлғуси шифокорларни ўқитиш жараёнида билимларни чуқур ўргатиш ва жаҳон тиббиётининг замонавий усулларини эгаллашларига ёрдам беради” [15], деди давлат раҳбари. 2017-2018 ўқув йилидан филиалда тиббий-профилактика мутахассислари тайёрлаш ҳам бошланди.

Республикада энг кекса ўқув даргоҳларидан бири — Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳисобланади. 2016 йилда ўқув юртида даволаш иши, педиатрия иши, тиббиёт педагогикаси, олий ҳамширалик иши, шифокорлар малакасини ошириш факультетлари мавжуд бўлиб, 2712 нафар талаба тахсил оларди ва охириги 4 йилда 1149 УАШ тайёрланди. Мавжуд 45 та кафедраларда 576 профессор-ўқитувчилар ишлаб, уларнинг 67 нафари фан доктори ва 291 нафари фан номзодлари эди. Ҳар йили 1500 дан ортиқ ходимлар ўз малакасини оширарди.

Ўқув-тарбиявий жараёнлар илмий-тадқиқот ишлари билан узвий равишда олиб борилди. Ходимлар охириги 5 йилда 2441 та илмий мақолалар, 9 монография, 5 та дарслик, 49 та ўқув қўлланмалари, 274 та ўқув-услубий тавсияномалар, 11 та илмий ишлар тўплами нашр қилиниб,

8 та докторлик ва 51 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилган. [7].

Институтининг клиник базасида 415 та ўрин бўлиб, 30 та тиббиёт йўналишлари бўйича ҳар йили 15 минг беморларга стационар ва 40 мингдан ортиқ беморларга амбулатория хизмати кўрсатиларди [7]. Институт жамоаси клиник ординаторлар ва магистрларни тайёрлаш жараёнида фаол қатнашиб келди. Чет эллардаги нуфузли марказлар билан алоқалар ўрнатилди.

Мустақиллик йилларида Андижон давлат тиббиёт институти жамоаси 5000 дан ортиқ юқори малакали шифокорларни тайёрлади. 2016 йилга келиб даволаш факультетида 1295 нафар, педиатрия факультетида 1210 нафар, тиббиёт педагогикаси факультетида 46 нафар, олий ҳамширалик факультетида 50 та талаба тахсил олмақда эди. Ўқув юртининг талабалари Россия ва Голландиянинг етакчи институтларида клиник ординатура бўйича тахсил олишди.

Истиқлол йилларида институтда 51 нафар тиббиёт фанлари доктори, 104 нафар тиббиёт фанлари номзодлари тайёрланди. Шу билан бир қаторда институт олимлари 38 та монография, 4 та дарслик, 487 та ўқув-услубий қўлланма, 6185 мақола, нашр қилдиришди ҳамда 84 та тадқиқот, 776 та рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқишди ва уларни амалиётга жорий этдилар [1].

Институт клиникаси 700 ўринли бўлиб, замонавий диагностика жиҳозлари билан таъмирланган эди. Малакали шифокорлар бутун Фарғона водийси аҳолисига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатарди. Институт олимлари Англия, Дания, Голландия, Исроил, Австрия, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон каби ҳорижий мамлакатлар ва МДХ давлатларининг етакчи институтлари билан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва даволаш ишларини олиб боради.

Бухоро давлат тиббиёт институти 1990 йилда ташкил этилган бўлиб, унда даволаш иши, стоматология ва тиббий-педагогика йўналишлари бор эди. 2017 йил бошида институтда 1924 талаба, етти йўналиш бўйича 49 магистр, қирқ икки йўналиш бўйича 277 клиник ординатор тахсил олди. Ҳар йили ўртача 260 нафар абитуриент қабул қилинди [11]. Институт учун 900 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси ва 200 ўринли таркибий-функционал бўлимлардан ташкил топган клиника қурилиши амалга оширилмоқда эди. Институтда 231 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият юритди. Уларнинг 17 нафари фан доктори ва 56 нафари фан номзодлари даражасига эга эдилар. Илмий салоҳият 45% га тенг бўлган. [2]. Институт жамоаси Австрия, Нидерландия, Корея, Япония, Франция, АҚШ, Англия, Эстония, Қирғизистон, Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон каби МДХ ва хориж мамлакатлар билан алоқалар ўрнатган.

Республикада “Педиатрия иши” таълими бўйича ўқув-услубий, илмий фаолиятнинг асосий ва профессионал таълимни амалга оширувчи давлат олий ўқув муассасаси — Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳисобланади. 2016 йилда институтдаги 4 та таълим йўналишида 4100 талаба ўқирди. Шунингдек, МДХ давлатларидан 9 нафар, хориж мамлакатлардан 35 та фуқаро тахсил оларди. Магистратурага 26 та йўналишлар бўйича 367 нафар бакалавр қабул қилинган. Мавжуд 39 та кафедраларда 520 та ходим ишлаётган бўлиб, улардан 71 нафари фан доктори ва профессорлар, 249 нафари фан номзодлари ва доцентлар эди [10].

Институтнинг асосий клиник базаси 325 ўринли бўлиб, бу ерда болаларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилади. ТошПТИда 1999 йилда “Умумий амалиёт врачлари” дастури доирасида ҚВПларидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш бўйича марказ ташкил этилди. Марказ фаолиятининг биринчи йилида педиатрия бўйича ўқув-услубий қўлланмалар яратилиб, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва

Самарқанд вилоятларидан 589 нафар врачларнинг малакаси оширилди. Институт жамоаси Сирдарё вилоятидаги 25 та қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базаларини мустаҳкамлаш бўйича амалий услубий кўмак бериб келарди.

1992 йилда ТошПТИ Нукус бўлими очилганда унда биргина йўналишда 100 талаба ўқишни бошлаганди. Филиал 1995-1998 йилларда Қорақалпоқ давлат университети таркибида фаолият кўрсатди. 1998 йилнинг 3 июнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 239-сонли қарори билан бўлим ТошПТИнинг Нукус филиали номи билан қайта ташкил этилди. 2004 йилга келиб, 5 та йўналишда 1500 ўғил-қизлар таълим олдилар. Уларга сабоқ бераётган 121 профессор-ўқитувчилар таркибида 2 нафар фан доктори ва 11 нафар фан номзодлари бор эди [4].

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида филиал 500 талабага мўлжалланган янги бинога кўчиб ўтди. Уни тиклашга 6 миллиард 800 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ажратилди. Янги бинога яхши жиҳозланган ўқув хоналари ва конференция зали билан бир қаторда ахборот ресурс маркази ва спорт мажмуаси жойлаштирилганди. “Мустақиллик йилларида филиал 3 мингдан ортиқ УАШ ва 500 га яқин клиник ординаторларни тайёрлади, — деди илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Роза Наримбетова. — Замонавий жиҳозланган ўқув-клиник лабораториялари мавжуд, бемор болаларни даволаш ва профилактика қилишнинг илғор усулларини талабаларга ўргатиш имкониятини берадиган бино бизнинг жамоага катта совға бўлди” [4].

Тиббиёт институтларида таълимнинг модернизация қилиниши уларда ўқишни хоҳловчилар сонини, шу жумладан чет эл талабаларининг қизиқишини оширди. Масалан, ТошПТИ Жанубий Кореянинг Самсунг, Ёнсей, Сеул университетлари каби етакчи олий ўқув юртлари билан алоқаларни ўрнатиши сабабли, ўзбекистонлик 100 дан ортиқ мутахассислар ўз билимини ошириб келишга муваффақ бўлди. Ўз навбатида “Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида юқори таълим берилмаётгани корея тиббиёт университетлари талабаларининг институтида ўқиш истагини оширди, — дейилади Осие департаменти профессори Ким Бон Сунинг 2013 йил 21 январда “World Daily” газетасида босилган мақола-сида. — Ўзбек тиббиёт таълимнинг ноёб тажрибаси шундаки, юқори малакали ўқитувчилар кичик гуруҳлардаги талабаларни “бемор тўшагида ўқитишади” [12].

2007 йилдан Корея университетларини тугатган 30 нафар бакалаврлар ТошПТИда янги 4 йиллик таълимни бошладилар. Институт ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган махсус модул дастурлар асосида тайёрланган хориж талабаларидан 3 таси 2012 йилда ўқишни якунладилар. Уларнинг дипломлари чет элда тан олинди ва давлат тест имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ёшлар врачлик лицензиясини қўлга киритдилар. Бу жуда катта ютуқ эди. Чунки, Корея университетларини тугатганларнинг биринчи йили фақат 20-30% давлат тест имтиҳонларини яхши топширдилар.

2014 йил 22 июлда Ўзбекистон Президенти “Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида” қарорни имзолади. Янги ўқув юрти Тошкент тиббиёт академияси стоматология факультети негизида ташкил этилиб, унга академиянинг 3-чи клиникаси берилди. Институт қошида стоматология ва юз-жағ хирургияси илмий-амалий маркази ишлаб турарди. Институтда болалар стоматологияси, хирургик ва терапевтик стоматология каби 3 та факультет бўлиб, унинг Андижон, Самарқанд ва Бухоро тиббиёт институтлари қошида филиаллари ҳамда ТошПТИнинг Нукус филиалида бўлими очилди.

2016 йил 21 ноябрда Президент “Стоматология соҳасида тиббиёт мутахассисларини тайёрлашни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида” ПП-2659-сонли янги қарор

қабул қилди. Ушбу ҳужжатга асосан институтнинг жойлардаги филиаллари тугатилиб, улар маҳаллий ўқув юртларининг стоматология факультетларига айлантирилди [9].

Тошкент тиббиёт академияси — мамлакатда соғлиқни сақлаш тизими учун етакчи ва таянч ўқув юрти ҳисобланади. Академияда 2017 йилда бакалаврият йўналишида 3200 талаба таҳсил оларди. Магистратурада 44 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланди. Ўқишни 800 ортиқ йигит-қизлар тугатиб, улардан 567 таси умумий амалиёт шифокорлари эди [3]. Шу муносабат билан, 2017 йил февралда пойтахтдаги “Туркистон” саройида академияни битирувчи талабалар ва уларнинг устозлари тўпланди. Академия ректори, профессор Л.Н. Тўйчиев ва бошқа сўзга чиққанлар мамлакатда амалга оширилаётган ишларда соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг алоҳида нуфузли ўрни борлиги ва унда ёш мутахассисларнинг ҳам Ватанга ситқидилдан хизмат қилишлари зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Тадбир қатнашчилари Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 5 ва 7 январда тиббиёт соҳаси маъсул раҳбарлари билан мулоқотда қўйган вазифаларни бажариш йўлларини муҳокама қилдилар.

2017 йил 6 майда Президент Ш.М. Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълимни янада ислоҳ қилишнинг тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади [6]. Ҳужжатда тиббий таълим тизимини босқична-босқич қайта шакллантириш, ўқиш ва амалиётни юқори поғонага кўтариш, мутахассисларнинг жаҳон стандартлари даражасида тайёрлаш вазифалари белгиланган. 2017-2018 ўқув йилидан даволаш ва педиатрия иши мутахассисларни тайёрлаш 6 йил, тиббий-биология иши — 4 йил, тиббий-профилактика иши эса — 5 йил қилиб белгиланди. Умумий таълимда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокада ўқитиладиган фанлар ҳажми 7 % туширилган бир вақтда клиник фанларга ажратиладиган соатлар 85% ташкил этиши лозим эди [8].

Президентнинг 2017 йил 5 майдаги “2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари-га қабул тўғрисида” қарорига биноан мақсадли қабул жорий қилинди. Эндиликда давлат грантлари асосида янги қабул қилинадиган талабалар сони Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг буюртмасига биноан амалга ошириладиган бўлди.

Жаҳон тажрибаси асосида Ўзбекистонда олий малакали ҳамширалар тайёрлаш тизими яратилган ва такомиллашиб бормоқда. Тошкент тиббиёт академиясининг “Олий ҳамширалик иши” факультети ва бошқа тиббиёт институтларида 3,5 мингдан ортиқ анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ва менеджмент йўналишлари бўйича бакалавр-ҳамширалар тайёрланди. 100 нафардан ортиқ ҳамширалар магистр даражасини олдилар. Улар тиббиёт муассасаларида бош ва етакчи ҳамшира, тиббиёт институтлари ва коллежларда ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатдилар.

Юқорида қайд қилинган маълумотлар соғлиқни сақлаш тизими учун малакали кадрларни тайёрлаш доимий диққат марказида турган вазифалардан бири бўлганлиги кўрсатади. Олий тиббиёт ўқув юртларининг сони ошиши билан уларнинг моддий-техника базаси ва ўқитувчилар таркиби мустаҳкамланди. Таълим соҳасига янги инновацион технологияларнинг киритилиши, ахборот ресурсларининг бойитилиши, ўқув жараёнининг амалиётга бевосита боғланиши натижасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишлари яхши самара бера бошлади. Қисқа вақтда бакалаврлардан умумий амалиёт шифокорлари ва магистрлардан тор касбдаги мутахассислар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Олий таълим билан бир вақтда ўрта махсус таълим соҳасида ҳам туб ислохотлар амалга

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

оширилди. Олий тоифали ҳамширалар ва магистрлар тайёрлана бошланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Андижон давлат тиббиёт институти // www.minzdrav.uz.
2. Бухоро давлат тиббиёт институти // www.minzdrav.uz.
3. Бўлғуси шифокорлар билан мулоқот // www.uza.uz. 2017, 17 февраль.
4. Институт биносининг янги қиёфаси // www.uza.uz. 30 август 2014 й.
5. Маҳмудов М. Хоразмда шифокорлар тайёрлаш маркази. — Урганч, 2015. – Б. 33-35.
6. Президент тиббий таълимни ислоҳ қилиш ҳақидаги қарорни имзолади // www.minzdrav.uz. 2017, 10 май.
7. Самарқанд давлат тиббиёт институти // www.minzdrav.uz.
8. Санаев Ф. Тиббий таълим тизими тубдан ислоҳ қилинади // www.minzdrav.uz. 2017, 29 июнь.
9. Стоматологлар тайёрлаш яхшиланади // www.gazeta.uz. 2016, 28 ноябрь.
10. Тошкент педиатрия тиббиёт институти // www.minzdrav.uz.
11. Шавкат Мирзиёев Бухородаги тиббиёт институтига қандай баҳо берди? // www.uza.uz.
12. Халқ билан мулоқот:— инсон манфаатларини таъминлашда энг самарали усули // www.Press-service.uz.

13. Ўзбекистонда олий тиббий таълим:— такомиллашиш ва юқори натижаларга интилиш // www.uza.uz.

14. Ўзбекистонда бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг ривожланиши: ютуқ ва муаммолар. — Тошкент, 2013. – Б. 15.

15. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистик маълумотлари 2011 йил // www.minzdrav.uz.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Маҳмудова М.М.

Ўзбекистонда олий маълумотли тиббиёт ходимларининг янги авлодлари соғлиқни сақлаш тизимининг фаолиятини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Уларни тайёрлаш Тошкент тиббиёт академиясида ва мамлакатнинг 6 та олий ўқув йуртларида амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида олий маълумотли шифокорлар, магистрлар, ҳамширалар тайёрлашга катта эътибор берилди. Кўплаб ёш шифокорлар хорижда амалиёт ўташди. Иккинчи даражали тиббий малакали ходимларни касб-хунар коллежлари тайёрлайди. Қалит сўзлар: академия, институт, колледж, бакалавр, магистр, фан номзоди, фан доктори, умумий амалиёт шифокори, клиник ординатура, олий малакали ҳамширалар ва ҳ.к



НЕВРОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ХОРИЖИЙ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРНИ ҚўЛЛАШ

Усманова Д.Д.

ПРИМЕНЕНИЕ ИНОСТРАННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ПРЕПОДАВАНИЯ В НЕВРОЛОГИИ

Усманова Д.Д.

APPLICATION OF FOREIGN PEDAGOGICAL METHODS OF TEACHING IN NEUROLOGY

Usmanova D.D.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Описаны педагогические технологии SWOT-анализа и метод «Проектирования» в учебном процессе, которые позволяют достичь высоких показателей в процессе обучения.

Ключевые слова: новые педагогические технологии, SWOT-анализ, метод «Проектирования».

In this article, the use of pedagogical technologies "SWOT analysis" method and "Design" method in the teaching process is given, which will make it possible to achieve high indicators in the learning process.

Key words: pedagogical methods, "SWOT analysis".

Ушбу мақолада қўлланиладиган педагогик технологиялардан "SWOT таҳлили" усули ва "Лойиҳалаш" усули ёрдамида ўқиш жараёнида юқори кўрсаткичларга эга бўлишни таъминлайди.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида талабаларни фанга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида янги инновацион таълим технологиялари ва усулларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Мана шундай янги инновацион таълим технологияларининг бир нечтаси билан 2017 йил сентябрь - октябрь ойларида Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказининг катта ўқитувчиси Ж.А. Анваровнинг машғулотида ўрганиб, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг "Асаб касалликлари, болалар асаб касалликлари ва тиббий генетика" кафедрасида амалий машғулотларда қўллаш бошладим. Булар "SWOT таҳлили" ва "Лойиҳалаш" усуллари бўлиб, Жанубий Кореянинг Ёнсе тиббиёт университетида педагоглар томонидан таълим жараёнида қўлланилади.

"SWOT таҳлили" усули. "SWOT таҳлили" – назарий билимлар ва амалий тажрибаларни ўрганиш, ғоя, жараён, тажриба ҳамда иш натижаларини таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолаш, танқидий фикрлаш, аналитик тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бу усулни биринчи бўлиб 1963 йили Гарвардда бўлиб ўтган илмий конференцияда бизнес-сиёсатшунос профессор Кеннет Эндрюс таклиф этган ва асосан иқтисодиёт соҳасида бизнес лойиҳаларни стратегик режалаш ва баҳолаш учун қўлланилган. Кейинчалик бу усул бошқа соҳаларда ҳам қўлланила бошланди. Тиббиётда эса "SWOT таҳлили" усулини диагностика ва даволаш усуллари, профилактик чора-тадбирларнинг таҳлилида қўлаш мумкин [1,3].

"SWOT" қисқартмаси қуйидаги инглизча сўзларнинг бош ҳарфидан олинган:

- S – Strengths (объект ёки усулнинг кучли томонлари);
- W – Weaknesses (объект ёки усулнинг заиф томонлари);
- O – Opportunities (объект ёки усулнинг имкониятлари);
- T – Threats (объект ёки усулга нисбатан хавф ёки тўсиқлар).

Бундай таҳлил орқали талабалар бирор бир усулнинг кучли томонлари билан бирга унинг заиф томонларини ҳам ўрганадилар, бу усул имкониятлари билан унга нисбатан тўсиқлар ва хавфларни таҳлил қиладилар.

"SWOT таҳлили" усулини ўтказишда 4 та катакли жадвалдан фойдаланилади:

	Ижобий таъсир	Салбий таъсир
Ички омиллар	Strengths (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг кучли томони)	Weaknesses (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг заиф томонлари)
Ташқи омиллар	Opportunities (таҳлил этилаётган объект ёки усулнинг имкониятлари)	Threats (таҳлил этилаётган объект ёки усулга салбий таъсир этувчи ташқи таъсирлар)

Юқоридаги иккита катакда таҳлил этилаётган усулнинг ёки объектнинг кучли ва кучсиз томонлари ифодаланади ва улар ички омиллар ҳисобланади. Пастдаги иккита катакда таҳлил этилаётган объектнинг имкониятлари ва унга нисбатан мумкин бўлган тўсиқ ва хавфлар ифодаланади ва улар ташқи омиллар ҳисобланади.

Мисол учун, неврология фанида, менингитлар мавзусида амалий машғулотларда талабалар билан "Антибиотиклар"нинг "SWOT таҳлили"ни ўтказдик. Талабалар ўтказган таҳлилнинг қисқартирилган шакли қуйидагича бўлди:

S - Strengths Кучли томонлари	W - Weaknesses Заиф томонлари
Микроорганизмларни нобуд қилади. Бактериостатик ва бактерицид таъсир кўрсатади. Қисқа вақтларда таъсири бошланади. Касаллик асоратлари ривожланишининг олдини олади.	Ножўя таъсирлар (аллергия, токсик таъсир, дисбактериоз ривожланиши, ОИТда ўзгаришлар, иммуносупрессия). Травматизация (инъекция соҳаларида), оғриқли. Резистентлик шаклланиши. Айримларнинг таъми яхши эмас.
O - Opportunities Имкониятлар	T - Threats Хавфлар ёки тўсиқлар
Юбориш йўлларининг турли туманлиги (инъекцион, оғиз орқали, бўшлиқларга юбориш, малҳам кўринишида). Касалликни даволашга кетадиган харажатлар тежалиши. Танлов имкониятининг кенглиги. Турли соҳаларда қўлланилиши (жарроҳлик, педиатрия, юқумли касалликлар, гинекология ва бошқ.).	Айрим антибиотиклар нархининг қимматлиги. Қарши кўрсатмалар мавжудлиги (ҳомилдорлик, лактация даври, беморларнинг ёши). Ёндош касалликлар мавжудлиги (буйрак ва жигар етишмовчилиги). Беморлар ёки уларнинг ота-оналарининг қаршилиги.


“SWOT таҳлили” усулини ўтказишда вазифалар гуруҳли тарзда ёки талабаларга яқка тартибда берилиши мумкин. Бу усул талабаларда аналитик фикрлаш, билімларни мустаҳкамлаш, ўтилганларни такрорлаш, танқидий мулоҳаза юритиш ва тафаккурни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўрганилаётган объект, яъни диагностика ва даволаш усулини 4 томонлама таҳлил этадилар. “SWOT таҳлили” усулини бошқа фанларнинг амалий машғулотида ҳам шу тарзда ўтказиш мумкин.

“Лойиҳалаш” усули. Албатта олий таълимнинг иккинчи босқичи бўлмиш магистратура мутахассислик йўналишларига ўқишга кирган талабалар илмий иш билан шуғулланиладилар ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қиладилар. Афсуски, магистратурага кирган талабаларнинг ҳаммасида ҳам илмга нисбатан қизиқиш йўқ. Шу мақсадда бакалавриатура талабаларида илмий изланишга бўлган қизиқишни ҳосил қилиш, илм билан шуғулланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Лойиҳалаш” усули ўқув жараёнида қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади.

“Лойиҳалаш” усулининг мақсади қуйидагилардир: талабаларни муаммони ечишда мақсад ва вазифаларни шакллантиришга ўргатиш, маълумотлар билан ишлаш, йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш, статистик ишлов бериш, тиббий ҳужжатлар билан ишлаш, муаммо ечимини излаш кўникмаларини шакллантириш ва илмий иш ёзишга бўлган қизиқишни пайдо қилишдир.

“Лойиҳалаш” усули талабаларда илмий изланувчанлик қобилиятини (вазиратни баҳолай олиш, муаммони ажратиб олиш, зарур маълумотларни танлаб олиш, хулосалар қабул қилишни), гуруҳда ишлаш қобилиятини (бир мақсад йўлида гуруҳдош талабалар билан ишлашни), мулоқотга киришиш қобилиятини (ўз фикрини баён қила олиш, бошқаларни тинглай олиш, тўғри танқид қила олиш, альтернатив ечимлар таклиф қила олиш) шаклланишига ёрдам беради.

“Лойиҳалаш” усулини амалга ошириш учун қуйидаги шарт-шароитлар талаб этилади:



“Лойиҳалаш” усулини амалга ошириш босқичлари. “Лойиҳалаш” усулининг қуйидаги босқичлари бор: изланиш босқичи, аналитик босқичи, амалий босқичи ва хулосалаш босқичлари.

Изланиш босқичида – мавжуд муаммо аниқланади ва таҳлил этилади; лойиҳа мавзуси (лойиҳа мақсади) танланади; лойиҳанинг босқичлари ва вазифалари режалаштирилади; лойиҳа мавзуси бўйича маълумотлар йиғилади, ўрганилади ва таҳлил қилинади.

Аналитик босқичда – вазифаларнинг оптимал ечими изланади; альтернатив ечимлар ҳам кўриб чиқилади; мақсадга эришиш оптимал йўли танланади ва ҳаракатлар алгоритми тузилади; манбалар таҳлили ўтказилади; лойиҳани амалиётга тадбиқ этиш режаси тузилади.

Амалий босқичда – барча режалаштирилган босқичлар амалга оширилади; лойиҳани амалга ошириш сифати текширилади; зарурий ҳолларда керакли ўзгартиришлар киритилади.

Хулосалаш босқичида – лойиҳа натижалари расмийлаштирилади, лойиҳа тақдимоти ўтказилади; педагог томонидан лойиҳанинг бажарилиш сифати баҳоланади; натижалар таҳлил этилади; лойиҳа натижаларини амалиётга тадбиқ этиш имкониятлари кўриб чиқилади.

“Лойиҳалаш” усулини амалга оширишда педагоглар таълим олаётган талабалар лойиҳани амалга оширишда ташкилотчилик вазифасини ҳам бажаради. Педагоглар оддий ўқитувчи сифатида эмас балки, илмий раҳбар сифатида талабаларга маслаҳатлар берадилар. Лойиҳани амалга ошириш босқичида педагоглар муаммонинг ечимини осонлаштириш мақсадида семинар ташкил этиб, муаммо ечимини жамоавий бўлиб излашга талабаларни йўналтиради.

Педагог иш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажаради: 1. Лойиҳа мақсад ва вазифаларини шакллантиришга ёрдам беради. 2. Маълумотлар манбаларини излашга кўрсатмалар беради. 3. Талабаларни лойиҳа босқичлари давомида қўллаб-қувватлайди. 4. Мунтазам равишда қайта боғланиб, талабаларда пайдо бўлаётган муаммоларни ўрганади ва уларни бартараф этишга кўрсатмалар беради. 5. Лойиҳани амалга ошираётганларга маслаҳатлар беради.

“Лойиҳалаш” усулини бакалавриатура таълим босқичида амалий машғулотлар вақтида, талабалар илмий жамияти конференциясига тайёрларлик вақтида, кафедраларда ташкил этилган фан бўйича талабалар тўғрақларида, магистратура таълим босқичида семинар машғулотида ва клиник ординатура таълим йўналишларида қўллаш мумкин.

Юқорида таърифланган иккита янги инновацион педагогик усулларни амалий машғулотларда қўллаш орқали таълим олувчиларда дарснинг назарий қисмида ўтилган мавзунини мустаҳкамлашга эришиш мумкин. “SWOT таҳлили” ўтилатган фан мавзуларидаги диагностика ва даволаш усулларини, профилактика чора-тадбирларини аналитик таҳлил этиш имкониятини беради. Бу орқали эса талабаларда аналитик фикрлаш ривожланади. “Лойиҳалаш” усулини қўллаш эса таълим олувчиларда илмий изланишга нисбатан қизиқишни оширади. Албатта, бундай усулларнинг таълим жараёнида қўлланилиши фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

Ўқитишда интерфаол усулларни мақсади таълимда самарали жараёнларни ташкил этиш бўлиб, талабалар ўзининг интеллектуал қодирлигини ва муваффақиятини хис қилади, бу эса таълим жараёнининг самаралигини таъминлайди [2]. Бошқа сўзлар билан айтганда, интерфаол ўқитиш - бу биринчи навбатда суҳбатли ўқитиш бўлиб, бу жараёнда ўқитувчи ва талаба ўртасида ва талабалар орасида биргаликда ҳаракат қилиш келиб чиқади.

Албатта, таълимга ҳар қандай янгилик, ўзгартириш жиддий таҳлиллар, тажрибалар асосида кириб келади. Шу сабабли ҳам, ҳар бир педагог, ҳар бир тадқиқотчи маорифимиз учун жон куйдирадиган, элим деб, юртим деб куйиб ёнадиган бўлмаса, «ўз шахсий манфаатларим учун давлат менга нима берди эмас, балки мен давлат равнақи учун нима қилдим» деган мулоҳазалар юритадиган иқтидорли кадрларни тайёрлашимиз керак.

Адабиётлар:

1. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.

2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).- Т.: Истеъдод, 2008.

3. Косолапова М.А. Технологические подходы в организации профессиональной подготовки к педагогической деятельности в высшей школе /Косолапова М.А.; Томский гос. пед. ун-т. - Томск, 2007. - 177 с. - Библиогр. : с. 104 - 110. Деп. В ИНИОН РАН № 60426.

НЕВРОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ХОРИЖИЙ ПЕДАГОГИК УСУЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Усманова Д.Д.

Мақолада қўлланиладиган педагогик технологиялардан "SWOT таҳлили" усули ва "Лойиҳалаш" усули ёрдамида ўқиш жараёнида юқори кўрсаткичларга эга бўлишни таъминлаш таърифланган.

Калит сўзлар: янги педагогик технологиялар, "SWOT таҳлили" "Лойиҳалаш" усули.



ВОСПАЛЕНИЕ В ДИАБЕТИЧЕСКОЙ НЕФРОПАТИИ

Жаббаров О.О., Саипова Д.С., Эркинова Л.О.

ДИАБЕТИК НЕФРОПАТИЯДА ЯЛЛИҒЛАНИШ

Жаббаров О.О., Саипова Д.С., Эркинова Л.О.

INFLAMMATION IN DIABETIC NEPHROPATHY

Jabbarov A.A., Saipova D.S., Erkinova L.O.

Ташкентская медицинская академия

Диабетик нефропатия буйрак тўқималарининг склеротерапияси ва бошқа буйрак функцияларининг бузилиши кузатилади. Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, диабетик нефропатия кучли яллиғланиш элементи метаболик ўзгаришлар, оқсиллар алмашинуви ва гемодинамик бузилишлар сабабли ўз ичига олади.

Калит сўзлар: диабетик нефропатия, яллиғланиш, яллиғланишолди цитокинлар.

Diabetic nephropathy is a specific kidney damage in diabetes mellitus, characterized by gradual sclerosis of renal tissue, which leads to loss of filtration, nitrogen excretory and other kidney functions. According to recent studies, diabetic nephropathy contains severe inflammatory element caused by metabolic disorders, protein overload and hemodynamic disorders.

Key words: diabetic nephropathy, inflammation, proinflammation cytokines

Диабетическая нефропатия, которая встречается примерно у одной трети пациентов с сахарным диабетом, характеризуется значительными сердечно-сосудистыми рисками и высокими показателями смертности. Несмотря на современные методы коррекции диабетической нефропатии, распространенность ее увеличивается в связи с увеличением частоты сахарного диабета в общей популяции, а высокий риск смерти при диабетической нефропатии коррелирует с прогрессированием диабетической нефропатии.

В мире в 2000 году насчитывалось 171 млн больных диабетом, в 2013 году их число равнялось уже 382 млн, а к 2035 году, согласно прогнозам, достигнет 592 млн [20], т.е. 8-10% населения нашей планеты. В результате расходы на лечение диабета будут составлять не менее 548 млрд долларов. Диабет типа 2 встречается почти в 85-95% всех случаев диабета [19]. Только в США в 2011 году число детей и взрослых, страдающих сахарным диабетом, составляло 25,8 млн, а 79 млн имели преддиабетическое состояние [5].

Диабетическая нефропатия характеризуется структурными и функциональными изменениями. На начальных стадиях диабетической нефропатии присутствует трубчатая гипертрофия, но в дальнейшем, наряду с артериолярным гиалинозом [53], развивается интерстициальный фиброз с трубчатой атрофией. Дальнейшее прогрессирование приводит к инфильтрации макрофагами и Т-лимфоцитами. В ультраструктурной области наблюдаются потеря подоцитов и уменьшение расстояния между эндотелиальными клетками [46-50].

Функционально существует ранняя гломерулярная гиперфилтрация и повышенная экскреция альбумина с развитием нефропатии, увеличением протеинурии и снижением скорости клубочковой фильтрации (СКФ).

Недавние исследования показали, что при диабетической нефропатии развивается тяжелый воспалительный элемент, вызванный метаболическими нарушениями [52], перегрузкой белка [37] и гемодинамическими сдвигами [22-35].

При диабете в почках развивается ранняя гипертрофия как клубочковой, так и тубулоэпителиальной структуры. Механизмы этих процессов включают в себя выработку различных факторов роста и вазоактивных веществ,

таких как трансформирующий фактор роста b, ангиотензин II, эндотелин, тромбоксан A2, инсулиноподобный фактор роста-1, фактор роста фибробластов и тромбоцитарный фактор роста [29].

При диабетической нефропатии происходит восстановление и активация врожденных иммунных клеток и выработка провоспалительных цитокинов. Макрофаги и Т-клетки накапливаются в клубочках и интерстиции даже на ранних стадиях заболевания.

Набор лейкоцитов включает три стадии:

(а) селектив-зависимую прокачку лейкоцитов на эндотелии, (б) хемокин-зависимую активацию интегрина и адгезию лейкоцитов;

(в) трансмиграцию лейкоцитов через эндотелий [25].

Провоспалительные цитокины, продуцируемые лейкоцитами, такими как интерлейкин-1 (ИЛ-1), фактор некроза опухолей (TNF-) и интерферон- (INF-), могут индуцировать собственные почечные клетки для продуцирования спектра хемокинов. Элементы диабетической среды, к которым относятся гипергликемия и конечные продукты гликирования, также являются мощными стимуляторами продуцирования хемокинов. Эти хемокины включают в себя интерлейкин-8, моноцит-хемоаттрактантный белок-1, INF-индуцируемый белок, макрофагальный воспалительный белок-1 (MIP-1/CCL3) и RANTES (CCL5). Выработанные хемокины далее направляют миграцию дополнительных лейкоцитов в почку и формируют воспалительный цикл [16].

Макрофаги являются ключевыми воспалительными клетками, опосредующими воспаление почек как при экспериментальном, так и при сахарном диабете. Активированные макрофаги продуцируют множество провоспалительных, профибротических и антиангиогенных факторов. Эти продукты, полученные из макрофага, включают, TNF-, ИЛ-1, ИЛ-6, активные формы кислорода (ROS), ингибитор-активатор плазминогена-1 (PAI-1), матриксные металлопротеиназы, трансформирующий фактор роста (TGF- α), тромбоцитарный фактор роста (PDGF), ангиотензин II и эндотелин, но не ограничиваются ими [31].

F. Chow и соавт. [7] в эксперименте на мышах выявили, что накопление и активация макрофагов связаны с дли-

